2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 36 (825), 2023 йил 22 февраль, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН – МИСР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан 20-21 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



*Қоҳира, 21 февраль. ЎзА махсус мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.*

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга илк ташрифи ана шу азалий алоқаларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги асосда равнақ топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг ушбу тарихий ташрифидан катта натижалар кутиляпти. Миср биз учун бутун Африка минтақаси давлатларини боғловчи дарвоза ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакат ахборот-коммуникация технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бой тажрибага эга.

Ўзбекистон ва Миср ўз минтақаларида фаол иқтисодий савдо, инвестициявий ва логистика муҳитини яратмоқда. Шу салоҳият бирлаштирилса, кўплаб янги бозорлар пайдо бўлади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 21 февраль куни ўтказилди.

Қоҳирадаги "Ал-Иттиҳодия" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Сарой олдидаги майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси давлатимиз раҳбарини самимий қарши олиб, махсус шоҳсупага таклиф этди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Сўнг давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

"Ал-Иттиҳодия" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўзаро муносабатларни кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиқишга келишиб олдилар.

Сиёсат, хавфсизлик, савдо ва саноат кооперацияси соҳаларидаги ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар ва таълим алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари музокараларнинг асосий мавзулари бўлди.

Президентлар Мисрнинг "Назар – 2030" стратегик режаси ва Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бир-бирига ҳамоҳанг эканини қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари Миср Президентини Иқлим ўзгариши бўйича COP – 27 халқаро саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Музокаралар чоғида етакчилар икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, кенг сиёсий мулоқот фаоллашгани, БМТ, ИҲТ, ШҲТ ва Қўшилмаслик ҳаракати каби халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро кўмаклашилаётгани, парламентлараро алоқалар жадаллашганини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар коррупцияга, хавфсизлик соҳасидаги замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашишда тажриба алмашишдан, Афғонистонни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш бўйича халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканликларини билдирдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президентлар давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида ўтган Ўзбекистон — Миср ишбилармонлик тадбирларининг якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзаро инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароитлар яратишга келишиб олинди. Икки мамлакат иқтисодиётлари бир-бирини тўлдириб турувчи хусусиятга эга эканидан келиб чиқиб, бешта аниқ йўналишда — газ-кимё, тўқимачилик, электротехника, заргарлик ва фармацевтика тармоқларида ҳамкорлик қилиш чоралари белгилаб олинди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори рентабелли қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар имкониятларидан фойдаланиш таклиф қилинди.

Энергетика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Мисрни боғлаб турган транспорт йўлакларини ривожлантириш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар ва диний алоқаларни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Араб тили мутахассисларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан келишувга эришилди. Ўзбекистон Президенти 2024 йилда Арабшунослик глобал форумини биргаликда ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув очиқ, самимий ва дўстона муҳитда ўтди. Якунда Шавкат Мирзиёев Абдулфаттоҳ ас-Сисини мамлакатимизга ташриф билан келишини таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикасига ташрифи доирасида олий даражадаги музокаралар якуни бўйича ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган Қўшма баёнотни қабул қилдилар.

Президентлар ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Миср Инвестициялар бўйича бош бошқармаси ўртасидаги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, жамоат соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва икки томонлама инвестициявий муносабатларни мустаҳкамлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, тараққиёт масалаларида тажриба алмашиш каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади.

Шунингдек, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази ва Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Шарқшунослик институти томонидан Миср Миллий кутубхонаси ва архиви билан ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси оммавий ахборот воситалари вакилларига баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари кўҳна ва бетакрор Миср заминида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдирди. Миср раҳбарияти ва халқининг улкан ютуқлари Ўзбекистонни хурсанд қилаётганини айтди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида етакчилар икки мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар — Янги Ўзбекистон стратегияси ва Мисрнинг "Янги Республика" дастури бир-бирига ҳамоҳанг экани, янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар уйғунлиги тўғрисида якдил фикр билдирдилар.

— Биз биргаликда нафақат икки мамлакат ўртасида, балки стратегик жиҳатдан жуда муҳим бўлган минтақаларимиз орасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этишни мақсад қилганмиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Учрашувда давлат раҳбарлари сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва хавфсизлик соҳаларидаги кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш масалаларини атрофлича кўриб чиқдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликда мавжуд улкан имкониятлар ва салоҳият тўлиқ ишга солинмаётгани алоҳида қайд этилди, шу муносабат билан савдони кўпайтириш учун амалий механизмлар ва самарали чораларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Биргаликда "яшил" энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, икки давлатни боғловчи мақбул транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналар имкониятларидан фойдаланиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари яна бир бор Миср компаниялари мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириши учун барча шароитлар яратилишини билдирди.

Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фаол ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттиришга аҳдлашиб олинди. Етакчилар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва ушбу мамлакат халқига кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни сусайтирмаслик зарурлигини таъкидладилар.

Халқларимизни умумий дин, ўхшаш анъана ва урф-одатларга асосланган азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Шу муносабат билан илм-фан ва таълим алмашинувлари, умумий тарихий ва маданий меросимизни биргаликда ўрганиш, ёшлар ўртасидаги ва ижодий алоқаларни кучайтириш масалалари икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик кун тартибида алоҳида ўрин эгаллаши таъкидланди.

Шу маънода, икки мамлакат шоир ва адиблари, санъаткорлари ва маданият арбобларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга тайёрлик билдирилди.

Президентимиз буюк аллома бобомиз Аҳмад Фарғонийнинг ибратли ҳаёт йўли ва илмий меросини чуқур ўрганиш ва ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида икки мамлакат олимларининг дўстлик илмий жамиятини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг якунида Ўзбекистон — Миср саммитининг натижалари икки томонлама муносабатларни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиши ва уларга узоқ муддатли руҳ бағишлашига қатъий ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МИСР АФРИКА БОЗОРЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ЭСА МИСР УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЗОРЛАРИГА КИРИШ ДАРВОЗАСИ ҲИСОБЛАНАДИ

**Мисрнинг етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20-21 февраль кунлари ушбу мамлакатга расмий ташрифи тафсилотларини кенг ёритмоқда. Мамлакатнинг нуфузли босма нашр ва телеканалларида Ўзбекистон Президентининг Мисрга келиши, уни Қоҳира аэропортида Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси кутиб олгани ҳақида туркум материаллар эълон қилинди.**

Давоми 2-бетда



КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР



## ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР ЕВРОПА СТАНДАРТЛАРИ РЕЙТИНГИДА

**Хорижга маҳсулот экспорт қилишнинг ўз талаблари бор, улардан бири маҳсулот сифатидир. Дунёда халқаро сифат ва стандарт кўрсаткичларига талаб ортиб бораётган бугунги даврда ушбу мезон қатъийлашмоқда. Шу боис, мамлакатимизда экспортни ривожлантириш ҳаракатларининг энг аввалида тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш, маҳаллий ва жаҳон бозори талабларини ўзаро уйғунлаштириш, халқаро сифат тизимларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ВА РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

**2016 йилдан мамлакатимизда янги тараққиёт даври бошланди. Бошқарув ва ислоҳотлар жараёнида ўзига хос йўл танланди. Бунда демократик ислоҳотларни жадаллаштириш, инсон қадр-қимматини ошириш бош мезон қилиб олинди. Бугун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. "Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг локомотиви", дея айтилмоқда. Ривожланган давлатлар сафига қўшилиш йўлида дадил илгарилаяпмиз. Буни нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият эътироф этаётгани ҳам бор гап.**



Давоми 3-бетда

## ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

# МИСРГА ТАШРИФ ИККИ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикасига илк расмий ташрифи якунлари хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди.**

Халқаро таҳлилчилар томонидан эътироф этилишича, ушбу ташриф нафақат икки томонлама Ўзбекистон — Миср муносабатларида янги саҳифа очади, балки Марказий Осиё минтақаси ва Африка давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Зулкифли БАҲОРУДДИН, Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси:**



— Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жаҳон миқёсида иқтисодий дипломатияни илгари суриш асносида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаоллиги кейинги йилларда ўсиб бораётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Президентининг Сингапурга (январь) давлат ташрифидан бир ой ўтмасдан ташкил этилган Қирғизистон (январь) ва Мисрга (февраль) ташрифлар бунинг ёрқин далилидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон етакчисининг хорижий давлатларга барча ташрифлари Ўзбекистон ва унинг Марказий Осиёдаги ҳамда дунёнинг бошқа минтақаларидаги муҳим ҳамкорлари ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, биринчи навбатда, ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини янада яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон ўзининг қиёсий устунликларига эга бўлган энергетика, электротехника, кимё, тоғ-кон саноати, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот-коммуникация ва бошқа соҳаларга янги технологиялар ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича изчил сиёсат юритиб, жаҳон бозорларида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ушбу тармоқлар самарадорлигини оширмоқда.

Мисрга расмий ташриф ҳам бундан мустасно эмас. Ташриф арафасида ўтказилган қўшма бизнес-форум якунлари бўйича 1,6 миллиард долларлик муҳим шартномалар имзоланди.

Республикада иқтисодиётни либераллаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар Миср компаниялари учун ҳам истиқболли Ўзбекистон бозорида янги ишбилармонлик имкониятларини яратмоқда.

**Ильгар ВЕЛИЗАДЕ, "Жанубий Кавказ" сиёсатшунослар клуби раҳбари:**



— Ушбу ташриф нафақат икки томонлама муносабатлар доираси, балки Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақаларини боғловчи мустаҳкам кўприклар барпо этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим воқеа ҳисобланади. Миср ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз минтақаларидаги асосий давлатлар бўлиб, энг муҳим транспорт артериялари чорраҳасида стратегик ўрин тутади. Бу уларнинг геосиёсий аҳамиятини ошириб, транспорт ва транзит салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳар икки давлат табиий ва географик жиҳатдан маълум бир ўхшашликларга эга. Қурғоқчил зоналарда транзит дарёлар каналлари ичида бўлгани сабабли бу мамлакатлар сувдан оқилона фойдаланиш заруратига дуч келмоқда. Икки мамлакат, шунингдек, суғориш тизимларининг кенг тармоғидан фойдаланган ҳолда деҳқончилигининг ўхшашлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳатто ҳисоб-китоб тизими ҳам умумий хусусиятларга эга. Энг муҳими, Ўзбекистон ва Миср ўз минтақасида аҳоли энг зич жойлашган мамлакатлардир. Ҳар икки давлат ҳам диверсификацияланган иқтисодиётга эга.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Миср ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг амалга оширилмаган улкан салоҳияти мавжуд. Демак, сўнгги 5 йилда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги умумий товар айирбошлаш ҳажми 3,2 баробарга, яъни 2017 йилдаги қарийб 10 миллион доллардан 2022 йилда 30,5 миллион долларга етган бўлишига қарамасдан, бу ҳали юқори кўрсаткич эмас.

**Чарльз МАКЛОЙ, Буюк Британиянинг "CBRE" инвестиция компанияси директорининг ўринбосари:**

— Ташриф икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини намоён этди.



Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит, шубҳасиз, Миср компаниялари билан кимё, энергетика, тоғ-кон саноати, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратилган шарт-шароитлар билан халқаро инвестиция ва ишбилармон доираларни кенг миқёсда таништириш масаласи Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Буюк Британияда сўнгги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, очиқлик, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар туфайли ишбилармон доираларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши сезиларли даражада ошди.

Бугунги кунда кўплаб инвесторлар ҳамкорликнинг умумий манфаатлари ва истиқболларини муҳокама қилишга, кўплаб соҳаларда, жумладан, молия, банк ва хусусийлаштириш жабҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳа таклифларини кўриб чиқишга тайёр.

Шу нуқтаи назардан, биз март ойида Лондонда ЕТТБ, Лондон фонд биржаси "Standard Chartered Bank", "Катта тўртлик" компаниялари ва бошқа кўплаб ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида "Ўзбекистонда кўчмас мулк ва инфратузилмага сармоя киритиш" мавзусига бағишланган тадбир ташкил этамиз. Умид қиламизки, бўлажак тадбир Буюк Британия ҳукумати томонидан киритилган Британия савдо схемасининг ривожланаётган мамлакатлар учун (Developing Countries Trading Scheme) афзалликлари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон экспортининг ўрнини мустаҳкамлайди. Ушбу имтиёзлар тизими Ўзбекистондан Буюк Британияга 91 фоиз маҳсулотларни ноль тариф ставкасида экспорт қилиш имконини беради.

Шубҳа йўқки, бутун дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишончли савдо шерик сифатидаги қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

**Кикута ХАРУКА, Хоккай-гакуэн университети профессори:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрга расмий ташрифи Аҳмад Фарғоний ёдгорлиги зиёратидан бошлангани икки буюк цивилизациялар тарихан узвий боғлиқ бўлганини англатади.

Дарҳақиқат, қадимги Мовароуннаҳр ва Миср диёрида яшаб ўтган етук астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғонийнинг ноёб илмий-маърифий мероси бутун мусулмон оламининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Жумладан, аллома бунёд этган Нил дарёси сувини ўлчайдиган "Миқёси Нил" иншооти бугунги кунда ҳам Миср халқининг фаровон ҳаёти ва давлат тараққиётига хизмат қилаётгани эътиборлидир.

Қоҳира шаҳрида, Нил бўйида Аҳмад Фарғоний шарафига ўрнатилган ҳайкал эса Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган, десам сира муболаға бўлмайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мисрга буюрган биринчи ташрифи икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, илм-фан ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада жадаллаштириш, уларни мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қилади

**Элчин ГУСЕЙНОВ, Озарбайжондаги "Регион плюс" журнали бош муҳаррирининг ўринбосари:**

— Ташриф икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга, ташриф, муҳокама қилинган мавзулар, эришилган келишувлар Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасидаги муносабатларни кенгайтиришда ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Таъкидлаш жоизки, Миср ва Ўзбекистон бугун турли соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошираётган, келажаги буюк бўлган давлатлардир. Ўзбекистон минтақада мустаҳкам ўрни ва ҳурматига эга мамлакат. Миср йиллар давомида араб дунёсида ўзининг салмоқли сўзини айтиб келмоқда. Шу боис, икки муҳим давлатнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш минтақавий кун тартиби учун фақат ижобий натижалар бериб қолмасдан, балки бутун минтақа барқарорлиги ва ривожланишида ижобий роль ўйнаши мумкин.

Миср жаҳон савдо алоқаларини Сувайш канали орқали амалга оширувчи давлат ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг улкан географик аҳамияти ва иқтисодий ривожланиши туфайли жаҳон миқёсида муҳим давлат мақомини эгаллаб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, икки дўст давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд. Иқтисодий соҳадаги келишувларнинг имзоланиши, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар эса режаларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.

**"Дунё" АА**

# ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МИСР АФРИКА БОЗОРЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН ЭСА МИСР УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЗОРЛАРИГА КИРИШ ДАРВОЗАСИ ҲИСОБЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Эътиборли жиҳати шундаки, **"Миср аль-Балад"** ва **"Саут аль-Шааб"** сингари оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрга расмий ташрифи тўғрисидаги материалларни "Хуш келибсиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти, барча мисрликларнинг қалби яқин бўлган давлатдан келган муҳтарам меҳмон!" сарлавҳаси остида эълон қилди.

Ушбу ахборот материалларида олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Миср — Ўзбекистон муносабатларини кенгайтиришнинг бутун қамровига оид масалалар ўрин олгани қайд этилган. "Хусусан, сиёсий, иқтисодий, маданий-савдо ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда", деб ёзади Миср ОАВ.

**"Ал-Жумҳурия"** газетасида чоп этилган "Мисрнинг янги ташқи сиёсатида Ўзбекистон билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади" ва "Тошкентдан Қоҳирага" сарлавҳали мақолаларда таъкидланганидек, географик масофалар нисбатан узоқ бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Миср халқларини кўп асрлик тарихий, савдо ва маданий алоқалар боғлаб туради. Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, вояга етган буюк алломалар Мисрда яшаб, илм-фаннинг турли соҳаларида жаҳон аҳамиятига молик кашфиётлар қилган. Аҳмад ал-Фарғоний томонидан 861 йилда Нил дарёси сув сатҳини ўлчайдиган "Миқёси Нил" иншоотининг барпо этилгани ушбу ўзаро боғлиқликнинг ёрқин намунасидир. Қардош Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги азалий дўстлик рамзи сифатида 2007 йилда Қоҳирада Аҳмад Фарғоний ҳайкали ўрнатилган.

Мазкур мақолаларда ўзбек халқи Мисрнинг маданий-тарихий меросига, ушбу мамлакатнинг минтақавий ва халқаро майдонда тутган ўрнига катта ҳурмат билан ёндашиши алоҳида қайд этилган.

Ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари таъкидлаганидек, Миср Ўзбекистон учун Африка бозорларига, Ўзбекистон эса Миср учун Марказий Осиё бозорларига кириш дарвозаси ҳисобланади.

"Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси бошчилигида Миср улкан муваффақиятларни қўлга киритган бўлса, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистонни бунёд этаётган бўлса, Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси Янги Республикани бунёд этмоқда. Икки томонлама муносабатлар ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган", дея таъкидланади мазкур мақолаларда.

"Ал-Жумҳурия" газетасида босилган мақолаларда қайд этилишича, Миср катта молиявий имкониятлар ва сармоявий салоҳиятга эга давлатдир. Ўзбекистонда бизнес юритиш учун зарур шарт-шароит ва хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит яратилгани мисрлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга сармоя ётқизиш ҳажмларини оширишга хизмат қилади.

Мисрда инглиз тилида чоп этиладиган **"The Egyptian Gazette"** нашрида "Миср ва Ўзбекистон иқтисодиёт, сармоя, таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўриб чиқмоқда" сарлавҳали мақола босилди. Нашр Президент Шавкат Мирзиёев Қоҳирага биринчи марта расмий ташриф буюрганига эътибор қаратган. 2018 йилда Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Мазкур ташриф давомида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор шартнома ва ҳужжатлар имзолангани икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

> **"The Egyptian Gazette" Қоҳирага олий даражадаги ташриф арафасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари ва уларнинг мисрлик ҳамкасблари ўртасида самарали учрашув ва музокаралар бўлиб ўтгани, уларда савдо-иқтисодий, сармоявий соҳалар, шунингдек, таълим ва бошқа йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятлари атрофлича муҳокама қилинганини қаламга олган.**

"Миср Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилмоқда, чунки у Марказий Осиёдаги муҳим давлат ва ушбу минтақага экспорт қилиш учун салоҳиятли дарвоза ҳисобланади. Икки давлат таълим, илмий ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш ниятида", дея Миср савдо ва саноат вазири Аҳмад Самир сўзларидан иқтибос келтиради манба.

"The Egyptian Gazette", шунингдек, Миср Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси бошчилигида тараққиётнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ҳамда умумий манфаатлар асосида барча қардош ва дўст давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлаган.

**"Дунё" АА**
*Қоҳира*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

# КАМ ХАРАЖАТ ВА МЕҲНАТДАН МЎЛ ДАРОМАД



**Болалигидан биология фанига қизиққан Тўлқин Икромов Бухоро давлат тиббиёт институти даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида иш бошлади. Туркияга саёҳати чоғида оддий қўзиқориндан фармацевтика ва гастрономик тармоқда фаол фойдаланилаётганини кўриб, қизиқиши ортди. Ватанга қайтгач, дастлаб оз миқдорда қўзиқорин етиштирди, уйидаги лабораторияда биологик фаол қўшимчалар олишни ҳам синаб кўрди. Мана шу қизиқишлар, кичик тажрибалар сабаб 2021 йилда "Gold pharm mushrooms" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Ўша кезлари грант танловда ғолиб бўлди. Мана шу сармоя эндигина бизнес оламига кириб келаётган тадбиркорга ўз лойиҳасини амалга ошириш имконини берди.**

— Қўзиқорин етиштириш осон, парвариши ҳам қийин эмас, — дейди Т.Икромов. — Уруғни эккач, атиги 28 кун ичида униб чиқади. Экиш учун куз ва қиш айни муддао. Бошқа фаслларда ҳам бемалол етиштириш мумкин. Лабораториядан ўтган уруғ танланса, ҳосил ҳам шунга яраша бўлаверади. Полиэтилен қопчаларга бир қатор уруғ ва шелуха солиб, экиб чиқилади. Битта қопга саккиз қатор уруғ жойлаш мумкин. 30 га яқин иш ўрни яратилган корхонамиз йилига эллик тоннага яқин маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш қувватига эга.

Тупроқ вазифасини бажараётган озуқа ҳам қиммат эмас. Битта қопчага 300 граммгача уруғ экилади. Уруғлар қайта-қайта ҳосилга кираверади. Ҳозирги кунда бир килограмм маҳсулотнинг бозордаги нархи турига қараб 25 мингдан 50 минг сўмгача. Энди олинадиган даромадни ўзингиз чамалаб кўраверинг.

Ҳар бир экинни етиштириш меҳнат, шунга яраша билим талаб қилади. Муҳим агротехник тадбирлардан хабардор бўлиш, уларни ўз вақтида қўллай билиш зарур. Аммо қўзиқорин етиштириш миришкор зиммасига кўп ва мураккаб юмушларни юкламайди. Деҳқончасига айтганда, қўлни қавартириб, манглайдан тер югуртирмайди. Истеъмол учун яроқли турини етиштириш ортиқча қўл меҳнати, ишчи кучи, электр ёхуд иссиқлик энергиясини талаб қилмайди. Иккиламчи хомашё — шелуха ҳамда сув бўлса бас. Айтишларича, икки килограмм шелуха солинган битта қопчага жойланган уруғлардан 12 килограммгача ҳосил олиш мумкин.

Доривор қўзиқорин етиштириш билан шуғулланадиган корхонада Япония тажрибаси йўлга қўйилган. Ромитан инновацион ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида рейши, траметес (рангли), шампиньон, вешенка ҳамда герициум каби турлар замонавий технологиялар асосида етиштирилмоқда.



— Бу ўсимлик экстракти фармацевтикада кенг қўлланилади, — дейди Инновацион ривожланиш агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Азамат Наимов. — Чунки унинг таркибида биологик антибиотик моддалар бор. Масалан, шампиньондан олинган бирикмалар йирингли ярани даволашда, сил касаллигига қарши препаратларда ишлатилади. Лойиҳа доирасида маҳсулотнинг катта қисмини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Глобал бозорда доривор қўзиқоринларга талаб юқори. Инновацион туманда етиштирилаётган ва қайта ишланаётган тур саратонга қарши истеъмол учун самаралидир. Хитой, Жанубий Корея ва Осиёнинг табобати ривожланган бошқа мамлакатларида у организмни токсинлардан тозаловчи, қондаги шакар миқдорини камайтирувчи восита саналади.

Меҳнати енгил, даромади катта бўлгани боис, маҳаллада тадбиркор фаолиятига ҳавасмандлар кўпчиликни ташкил қилади. Тадбиркор мана шу имкониятдан ҳам ўринли фойдаланиб, касаначиликни йўлга қўйди. Кўплаб оилалар корхонадан уруғ олиб, қўзиқорин етиштириш билан шуғулланади. Қишлоқ жойлардаги аҳоли хонадонларида ишлатилмайдиган бўш ер ёки хоналар кўп. Касаначилик асосида қўзиқорин етиштириш шундай жойлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу орқали ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш мумкин.

Айни шу боис, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига бу борада қатор имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб томорқа ер эгаларини касаначилик билан банд қилган тадбиркорларга субсидия бериш тизими йўлга қўйилди.

— Биринчи ҳосилимиздан тўрт миллион даромад олдик, иккинчи ҳосилимиздан олти миллион даромад қилиш ниятидамиз, — дейди касаначи Комил Шаропов. — Экилган уруғлар ўн ой давомида ҳосил беради. Мавсум деган гап йўқ. Йилнинг исталган вақтида етиштириш мумкин. Фақат зарур ҳарорат таъминланса бўлди. Жуда қулай: меҳнати кам, даромади кўп. Энг асосийси, экин учун ишлатилган иккиламчи хомашёдан чорва озуқаси сифатида қайта фойдаланиш мумкин.

Касаначилик уйда ўтирган ҳолда бирор касб билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд қилиш имконини беради. Уй юмушларини бажарган ҳолда қўшимча маблағ топишнинг мақбул йўли. Касаначи буюртмани қабул қилади ва белгиланган муддатда маҳсулотни эгасига топширади. Меҳнатига яраша даромад топади.

Мутахассисларнинг айтишича, ўлкамизда мазкур экиннинг 100 дан ортиқ тури бўлса, уларнинг атиги 25 туригина истеъмолга яроқли.

— Табиат қўйнидан териб олинган қўзиқоринни истеъмол қилишдан эҳтиёт бўлишимиз керак, — дейди Т.Икромов. — Чунки улар орасида истеъмол учун яроқсизлари бўлиши мумкин. Маданий шароитда етиштирилган қўзиқоринлар эса санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида текширувдан ўтказилиб, зарарсиз, деб топилгандан кейингина сотувга чиқарилади.

Бугун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаганлар учун барча имкониятлар яратилган. Муҳими, ўз фаолиятининг сир-асрорларини пухта билса бас. Корхона раҳбари келгусида истеъмол қилинадиган қўзиқоринни қайта ишлаш, хориж стандартлари асосида қадоқлашни йўлга қўйиш ҳамда биологик фаол қўшимчалар яратиш имконини берадиган лабораториялар ташкил этишни режалаштирган. Бу эса импорт қилинадиган дори-дармонни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

**Феруза ЖЎРАЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ВА РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ



**Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

Бошланиши 1-бетда

Маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 888 341,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2021 йил билан таққослаганда 5,7 фоизга ўсганини кўрсатади. 2022 йилда аҳолининг умумий даромадлари ҳажми 634,8 триллион сўмга етди.

Бундай муваффақиятлар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нуктадон сиёсати, халқпарварлиги, фидойилиги ва қатъияти турибди, десак мутлақ тўғри бўлади.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбари Президентлик вазифасига киришган илк кунларданоқ халқ билан мулоқотга киришиб, барча даражадаги раҳбарларни шунга даъват этди. Одамлар дарди, ўй-хаёллари, орзу-умидлари билан қизиқишга, муаммоларни тезроқ ҳал қилишга чорлади. Бу жараёнда ўзи намуна бўлди. Мана шу халқпарвар сиёсатга ҳамоҳанг бугун фуқароларимиз ҳам ўз фикрини эркин, баралла айтмоқда. Халқимизда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий саводхонлик ўсди. Давлатимиз раҳбарининг барчани мана шундай руҳда яшашга ундаши халқимизни янада руҳлантираётир. Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари, маҳаллаларга, хонадонларга кириб, оддий одамлар билан дилдан суҳбатлашаётгани, дардини эшитаётгани, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўраётгани халқимиз ҳаётидан рози бўлиб яшашига замин яратмоқда. Бу бевосита Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, жўшқин ғайратига боғлиқ ҳодисадир.

> **РАҲБАР ЯККА ҲОЛДА ҒАЛАБАГА ЭРИШИШИ ҚИЙИН. БУ — БОШҚАРУВ ҚОНУНИЯТИ. ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ОЛИЙ ҒОЯСИ — МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ БОРАР ЭКАНМИЗ, ДАВЛАТ РАҲБАРИГА КУЧЛИ КАМАРБАСТА, ЖАМИЯТНИНГ ҲАР БИР СОҲАСИ, ҲАР БИР БЎҒИНИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ, АЙТИШ МУМКИН БЎЛСА, “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”ДА КЎРСАТИБ ЎТИЛГАН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ САЛОҲИЯТЛИ, ФИДОЙИ, ВАТАНПАРВАР ВА МУНОСИБ КАДРЛАР КЕРАК.**

Аммо раҳбар якка ҳолда ғалабага эришиши қийин. Бу — бошқарув қонунияти. Тараққиётимизнинг олий ғояси — **миллий тикланишдан миллий юксалиш** сари борар эканмиз, давлат раҳбарига кучли камарбаста, жамиятнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир бўғинида белгиланган вазифаларни, айтиш мумкин бўлса, “Йўл харитаси”да кўрсатиб ўтилган ишларни амалга оширувчи салоҳиятли, фидойи, ватанпарвар ва муносиб кадрлар керак.

Ваҳоланки, бизнинг бош мақсадимиз **халқимиз турмуш шароитини ўзгартириш, ёш авлодни етук ва сифатли кадрлар қилиб етиштириш, соғлом турмуш тарзи ва маънавий баркамолликка, иқтисодий барқарорлик ва ҳаётимиз фаровонлигига эришишдир.**

Хўш, бу каби катта, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда ҳамма раҳбарлар ҳам, айниқса, ўрта бўғин раҳбарлари Президентимизга муносиб ҳамфикр, елкадош бўла оляптими? Қонунлар, фармон ва қарорлар ижроси, Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида бажариляптими? Умуман, ҳамма раҳбарлар ҳам ўз ҳудудида ва соҳасида бош ислоҳотчи бўляптими?

Ислоҳотларни жадаллаштириш мақсади кўзда тутилган вазифаларни бажаришда сусткашлик, камчилик ва хатоларга, баъзан масъулиятсизликка йўл қўйиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари деярли ҳар доим куйиниб гапиради.

Шу ўринда савол туғилади: **бугунги куннинг, Янги Ўзбекистоннинг раҳбар кадрлари қандай сифатларга эга бўлиши керак?**

Жавоб у қадар мураккаб эмас. Президентимиз чорлови билан айтганда, **бугун раҳбарлар ўзини қийнаши керак.** Чунки жамият хавфсизлигини таъминлаш вазифаси барча раҳбарларнинг бурчидир. Шу боис, бу ғоя бугунги кунда нафақат ҳудудий бошқарув раҳбарлари, балки барча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари бошлиқларига ҳам тааллуқли. Ахир улар фуқаролар билан бевосита бирга ишлайди. Кичик бир жамоа хўжалиги раҳбарими, корхона етакчисими ёки юқори лавозимдаги мансабдор шахсми, у ўз идоравий юмушлари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Бугунги раҳбар ўз жамоаси аҳволи, ходимларнинг ижтимоий-сиёсий кайфияти, дунёқараши, орзу-интилишлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши шарт. Буларнинг барчаси жамланиб ислоҳотлар самарадорлигини таъминлайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза ўйлантиради кишини. Биз хулоса қилишга нўноқлик қилаётирмизми? Ўтмишдан сабоқ чиқариш, берилган имконият ва яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш шунчалик қийинми? Маҳаллий ҳокимият тизимида ишлаганлар билади, бир вақтлар ҳоким ва унинг ўринбосарлари юрадиган хизмат машинаси учун бериладиган бензин лимити ҳам ўлчовли эди. Вилоят ҳокими бирон туманга чиқмоқчи бўлса, аввало, бензинни ўйларди. Бошқа мисолларни қўяверамиз.

Бугун-чи? Ҳокимият тизимида ҳозиргидай шароит ва имконият ҳеч қачон бўлмаган. Айтайлик, “маҳаллабай” тизимида бир маҳаллага берилаётган маблағу моддий ёрдамлар илгари бутун бир туманга ҳам ажратилмаган. Бугун маҳаллий бўғиндаги раҳбарлар учун ҳам катта маблағ, замонавий хизмат машиналари берилмоқда, бошқа зарур имкониятлар яратиляпти. Бошқача айтганда, ташаббус кўрсатиб, ёниб, шижоат билан ишлашга завқ берадиган барча шароитлар мавжуд.

Бундай қўллаб-қувватлашнинг қадрига етмаслик, халқимиз орзу-умидлари, мақсадлари рўёби учун ишламаслик, бу ношукурликдан бошқа нарса эмас.

Модомики, раҳбарлик маданияти ва масъулияти ҳақида гап бошлаган эканмиз, ўз фикрларимизни очиқ айтишга жазм этайлик. Сир эмас, бугун айрим раҳбарларимизнинг маънавий дунёси тарбияга муҳтож. Баъзи раҳбарлар фуқароларга, қўл остидаги ходимларга, жамоатчиликка нисбатан қўпол муомалада бўлаётир. Бу ҳам барчамизни бирдек ўйлантирмоқда.

Яна бир муҳим масала. Раҳбарлар фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашини оширишга бевосита масъулдир, яъни халқнинг соғлом сиёсий позицияларини қўллаб-қувватлаши, буни иш фаолиятида кўрсата олиши, жамиятнинг ҳар соҳада ривожланишига туртки бериши лозим. Ана шу нуқтада раҳбарнинг қай даражада компетентлиликка эгалиги намоён бўлади. Зеро, Абу Наср Форобий бобомиз “Фозил одамлар шаҳри”да ҳоким бўладиган одам табиатан ўн икки хислатни ўзида бирлаштирган бўлиши ҳақида ёзади. Булар — **соғломлик, фаросатлилик, кучли хотира, зукколик, нотиқлик, маърифатга интилиш, нафсни жиловлаш, ҳақиқатни севиш, ориятлилик, мол-дунё ортидан қувмаслик, адолатпарварлик, қатъиятлилик ва жасурлик.**



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

> **БИЗ БУЮК АЖДОДЛАР АВЛОДЛАРИМИЗ, ТОМИРЛАРИМИЗДА УЛУҒ БОБОЛАРИМИЗ ҚОНИ ОҚМОҚДА. БИР ЎЙЛАБ КЎРАЙЛИК, БИЗ БУГУН УЛАРГА ҚАНЧАЛИК МУНОСИБ АВЛОД БЎЛА ОЛЯПМИЗ? БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСЧИЛАРИ БЎЛМИШ БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ҲАРАКАТ ҚИЛМАСАК, ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҲОДИСАСИГА ЗАМИН ЯРАТАМИЗ?**

Яна бир муҳим жиҳатни англаб етишимиз зарур. Бугун қандай даврда яшаяпмиз? Унинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Мураккаб, таҳликали, манфаатлар, ғоялар ва мафкуралар кураши авжига чиққан, ноаниқлик ҳукм сураётган, ахборот ва технологик кураш глобал муаммога айланиб бораётган бир даврда жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг нақадар қийин кечаётганини кўриш мумкин. Бундай вазиятда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини маълум даражада бўлса ҳам англаб етиш суръатининг ошиб бориши билан давлат бошқарувида халқ ҳокимиятини юзага чиқариш, босқичма-босқич, ўз-ўзини бошқарув жараёнини амалга оширишга эҳтиёж ортиши фуқаролар сиёсий фаоллигини таъминлашга хизмат қилади. Бу давлат бошқаруви учун жуда катта кўмакдир. Бунинг учун жамиятдаги қатламларнинг юқорига қараб ўсиб бориши, зиёлилар сони ошиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Бундай вазиятда ҳар бир раҳбардан огоҳлик, ўта ҳушёрлик, аҳолининг турмуш даражасидан тортиб маънавий ҳолатини холис баҳолаб, уларни яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Бу барқарор тараққиётни, миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шарти эканини асло унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида **“Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси — ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди”,** деган эди.

Дарҳақиқат, бугунги кун раҳбаридан талаб қилинаётган энг катта масъулият демократик жамият қуришдаги вазифаларини виждонан бажармоғидир. Бугун бу жараёнда олдимиздаги жиддий муаммолар нималардан иборат эканини таҳлил қилсак.

**Биринчидан,** фуқаролик жамиятини қуришдаги муаммолар. Яъни фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш кўникмалари, бу борадаги ҳуқуқий билим ва саводхонлик, инсон меҳнати қадрланиши, инсон капиталини юзага чиқаришга бўлган интилиш сустлиги. Демак, жойлардаги айрим раҳбарларнинг халқ билан бевосита ва билвосита ишламаслиги, уларга нисбатан нописанд, муаммоларга бефарқлик билан қараши фуқароларда ўз позициясига эга бўлиш, бошқарувда фаол фуқаролик бурчини амалга оширишга ишончсизлигини юзага келтириши мумкин.

**Иккинчидан,** демократик бошқарувга эҳтиёж ортиши. Бунинг амалий кўриниши фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини юқори ўринга чиқариш эҳтиёжлари ортиб бориши, инсон ҳуқуқи ҳар қандай ҳуқуқлардан устун бўлишига интилиши, одамлар меҳнатини ҳимоялаш (айниқса, тиббиёт ва таълим соҳасида), суғурталаш каби ислоҳотларга талаб кўпайиши, аммо амалий натижанинг деярли кўринмаётганида акс этади.

**Учинчидан,** маҳаллий ҳокимиятлар, ҳокимлар лигитимлилиги муаммоси. Лигитимлилик, бу — раҳбарлар фаолиятининг халқ томонидан тан олинишини англатар экан, амалда бундай кўрсаткичга аксарият маҳаллий ҳокимликлар эриша олмаётгани аҳоли томонидан ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳокимлар хизмат этикаси қоидалари, масъулиятидаги вазифаларга қўштирноқ ичида қараётгани халқнинг салбий кайфиятда бўлишига олиб келаётгани ачинарли ҳолатдир.

**Тўртинчидан,** раҳбарлар фаолиятининг давр талабига мос бўлиши. Раҳбарлар демократик тамойилларни қай даражада англаб етгани, демократия халқ ҳокимияти эканини тан олиши, инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиши, одамлар орасида бўлиши, халқ бўлмаса ҳоким ҳам йўқлигини англаб етмаётгани, авторитар бошқарув элементларини қўллашдан чиқа олмаётгани, якка ҳокимлик эмас, ўз-ўзини бошқарув тизими асосида жамиятни бошқариш заруратини тушунмаётгани масаласи ҳам кун тартибидан тушгани йўқ.

**Бешинчидан,** раҳбар ва бошқарув маданияти. Бу тушунчалар бир вақтнинг ўзида ҳар бир раҳбар ходимда мужассам бўлиши шарт бўлса-да, аслида раҳбарда, энг аввало, шахсий маънавият орқали бошқарув маданияти шаклланади. Маънавий етукликка эга бўлмаган раҳбарда бошқарув маданияти бўлиши амри маҳол. Раҳбарнинг маънавий етуклиги деганда, унинг шахс сифатида шаклланганини, инсоний фазилатлари, оиладаги тарбия мужассамлиги, мафкуравий компетентлилиги, савияси, дунёқараши кенглиги, ҳозирги замонда кечаётган ижтимоий-сиёсий таҳдидлар, иқтисодий мураккаб жараёнларни қай даражада таҳлил қила олиши, шундан келиб чиқиб инсон қадрини англаши каби жиҳатлар тушунилади.

Шунингдек, раҳбар маънавий шаклланганини бошқарувнинг адолатли, холис, очиқ, масъулиятли, ишбилармонлик, тўғри ва тезкор қарорлар қабул қилишга, инсонларни мақсад сари бирлаштириш ва ҳаракатлантириш маҳоратига, бугунги давр сиёсий ислоҳотларини амалга оширишга ҳар томонлама тайёрлиги, тажриба ва лидерлик кўникмаларига эгалиги билан баҳоланади.

Бу жиҳатларни таҳлил қилганда, раҳбарларда демократик бошқарув кўникмалари, тушунчалари, тажрибаси шаклланган бўлиши кераклиги аён бўлади. Шундагина биз истаган фуқаролик жамияти қуриш ва ўзини ўзи бошқариш механизмлари самарадорлиги бўй кўрсатади. Аксинча бўлса, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясиз бўлиши, уларнинг меҳнатлари юзага чиқмаслиги ва жамиятда норозилик кайфияти юзага келиши, бундай раҳбарга нисбатан ишонч йўқолиши ва аҳоли назаридан қолиши мумкин.

Шу ўринда яна бир масала юзага чиқади. **Бу — раҳбарликка танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш бўйича самарали механизм ишлаб чиқиш.** Раҳбарлик — масъулияти, жавобгарлиги катта бўлган ва давлат бошқарувининг бир бўлаги сифатида инсоният, жамият эртасини белгилаб берувчи лавозим. Шундай экан, бизнинг олдимиздаги энг долзарб вазифалардан бири, бу — Янги Ўзбекистон жамиятидаги ўзгаришларни, ислоҳотларни теран таҳлил қила биладиган кадрларни тайёрлаш.

Албатта, бу жараёнда фуқаролик жамиятининг таъсирчан механизми — жамоатчилик назорати ҳам ғоят муҳим. Аслида, жамоатчилик назорати ҳар бир тизим, соҳа ўзига хос холис фаолиятни амалга оширишини, фуқаролар манфаатларини таъминлаб, халқ ҳокимиятини ифодалаб турувчи катта бир таянчдир. Унинг номигагина мавжудлиги эса, инсонларнинг демократияга нисбатан ишончсизлиги ва ўз фуқаролик позициясини амалга оширишига тўсиқ бўлишига олиб келиши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”,** деган гапи туб замирида қанча чуқур ўйланган ҳақиқатлар бор. Шундай экан, давлат идоралари, энг аввало, бу идоралар раҳбарлари халқ ичида бўлиши, билвосита ҳисоботлар, қоғозларда эмас, улар билан очиқ мулоқот қилиши, дардига дармон, умид ва ишонч берувчи, яхши мақсадлар сари бошловчи бўлиши керак.

Инсонлар орзу-умидлари рўёбини бугун кўрса, эртасига ишончи бўлса, бундай жамият ривожланади, аксинча, миллий мафкура ҳам, давлат сиёсати ҳам бир четга чиқиб қолади. Миллий мафкурани камол топтиришда, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда раҳбарнинг ўрни ниҳоятда катта, раҳбар фаолияти самарадорлиги ортидан халқ ишончи ортади.

**Демак, биринчи навбатда, раҳбарнинг ғоявий-мафкуравий эътиқоди — иммунитети шаклланиши зарур. Бозор иқтисодиёти талаблари бўйича қандай билимга эга бўлиши талаб қилинса, раҳбарнинг мафкуравий компетентлигига ҳам шундай талаб бўлиши керак. Раҳбар онгида улар уйғун шаклланиши ва фаолиятида ижобий натижаларнинг асосий омиллари сифатида акс этиши зарур.**

> **БУГУН РАҲБАР БЎЛИШ ОҒИР, ШУ БИЛАН БИРГА, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ХАЛҚ РАҲБАРЛАРНИ, РАҲБАРЛАР ХАЛҚНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАС ЭКАН, АСЛ МАҚСАД, МАМЛАКАТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШГА ЭРИШИШ МУАММОЛИГИЧА ҚОЛАВЕРАДИ.**

Бугун раҳбар бўлиш оғир, шу билан бирга, шарафли масъулият. Демократик жамиятда давлат бошқарувида халқ раҳбарларни, раҳбарлар халқни қўллаб-қувватламас экан, асл мақсад, мамлакат тинчлиги, халқ фаровонлиги, эртанги кунга ишонч билан яшашга эришиш муаммолигича қолаверади. Таҳликали, атрофдаги мамлакатларда содир бўлаётган мураккаб, нотинч ҳолатларни кўриб турган давримизда раҳбарликни оқилона, моҳирона олиб бориш масаласи жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, миллий ғоя кучи билан суғорилган кадрлар бу ғояни жамиятга сингдириши бугунги замон талабидир.

Шундагина биз катта кучга айланамиз. Халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган миллий ғоя атрофида жамият бирлашиши, Ватанга содиқлик, инсонийлик, ўзлигини намоён этиш, эртанги кунга ишонч, интилиш, турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш кучига эга бўламиз. Бу жуда катта ютуқ.

Биз буюк аждодлар авлодларимиз, томирларимизда улуғ боболаримиз қони оқмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, биз бугун уларга қанчалик муносиб авлод бўла оляпмиз? Биринчи ва Иккинчи Ренессанс асосчилари бўлмиш буюк аждодларимизга муносиб ҳаракат қилмасак, қандай қилиб Учинчи Ренессанс ҳодисасига замин яратамиз?

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, раҳбарлик ҳам неъмат. Кимдир бугун уни лидерлик хислатига эга бўлган инсон, дер. Аммо биз ҳали бу неъматнинг туб моҳиятини англаб ета олганимиз йўқ. Раҳбарлик, аслида, туғма қобилиятлар билан юзага чиқиб турадиган инсонларда кўринади, уларни болалик чоғидан кузатиш мумкин. Агар бир болада шундай қобилият бўлса, унга бефарқ қараш керак эмас, тарбиясига катта эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳар ким ҳам ўз ортидан кўпчиликни эргаштира олиш қобилиятига, кўпчиликнинг дардига дармон бўлиш хислатига, жамоани тўғри бошқара олиш кучига эга бўлмайди. Бу хислатларга ҳамоҳанг равишда инсонийлик сифатлари, кучли маънавий етуклик, эътиқод поклиги, ақл ва хулқ юксаклиги бирлашсагина чинакам раҳбар етишиб чиқади.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

# ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР ЕВРОПА СТАНДАРТЛАРИ РЕЙТИНГИДА





**Абдуллоҳ ОРИФБОЕВ, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бошқарма бошлиғи**

Бошланиши 1-бетда

Охирги йиллардаги саъй-ҳаракатлар аллақачон ўз натижасини бера бошлади. Маҳаллий тадбиркорларимиз учун экспорт географияси кенгайиб, ҳатто Европа бозорларига йўл очилди. Шу кунларда Европа стандартлаштириш ташкилотлари (CEN-CENELEC) эълон қилган навбатдаги ҳисобот эса ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўрсатди. Унда Ўзбекистон илк бор Европа стандартларини муваффақиятли ўзлаштирган мамлакатлар рўйхатидан жой олди. Янада қувонарлиси, 2022 йил ҳисоботи бўйича Европа Иттифоқидан ташқарида Европа стандартларини қабул қилган ва жорий этган фаол давлатлар орасида юртимиз 1-ўринни эгаллади.

Бу айтишга арзигулик катта ютуқлардан бири. Боиси, шу вақтга қадар мамлакатимиз ушбу рўйхатга киритилмаган. Бу яқин йилларгача тадбиркорлар фаолиятига халқаро стандартларни жорий этиш кўрсаткичи ниҳоятда пастлиги, борлари ҳам қўшни давлатлар талабларигагина мос келгани билан боғлиқ. Амалдаги халқаро стандартлар сони ҳам у қадар кўп эмасди.

Сўнгги йилларда бу масалага эътибор ошди. Диёримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хавфсизлиги, сифат кўрсаткичларини назорат қилишнинг илғор механизмлари яратила бошлади, экспортнинг мутлақо янги, замонавий босқичига ўтилди. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишида бошқа соҳалар қатори техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш соҳалари муҳим ўрин тута бошлади. 2021 йил 2 июнда давлатимиз раҳбарининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони қабул қилинган бўлса, ўтган йил ноябрь ойида "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Асосий мақсад эса миллий маҳсулотларимиз сифатини ошириш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган.

## Сифатнинг ўз талаби бор

Маҳсулотга ёпиштирилган сифат ёрлиғи унинг сифат талабларига тўлиқ мос келишини тасдиқлаган тақдирдагина чет эл бозорларидан жой олади. Жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган маҳсулотнинг бозори эса чаққон бўлиб, тезда харидорини топади. Аксарият давлатлар сифат сертификатлари билан ҳисоблашишга интилаётгани боиси ҳам шунда. Халқаро майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлаш йўлини тутган мамлакатимизда ҳам янги сифат муҳитининг шаклланиб бораётгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хориж бозорида тан олинишига кенг имкониятлар яратмоқда. Бу борада мавжуд талабни ошириш ва сифат инфратузилмасини шакллантириш орқали миллий маҳсулотларимиз рақобатбардошлиги ортиб бормоқда.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Шу ўринда стандартлаштириш ўзи нима, унинг аҳамияти нимада, деган табиий савол туғилади. Стандарт — ҳар бир маҳсулотга қўйиладиган меъёрий сифат талаби. Стандартлаштириш эса барча маҳсулот турлари, русумлари, параметрлари, ўлчамлари ва сифати бўйича ҳамда ишлаб чиқариш технологияси, синаш ва назорат қилиш услуби, маҳсулотни жойлаш, русумлаш, сақлаш ва бошқаларга меъёрий бирлик ўрнатишни англатади. Дунёнинг деярли ҳар бир давлатида маҳсулотларга тартиб ва меъёрлар мажмуасини ишлаб чиқувчи ва қўювчи махсус тузилма — стандартлаштириш ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Юртимизда ушбу соҳа иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бирига айланди. Бу борада, айниқса, халқаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда халқаро ташкилотларнинг 30 дан ортиқ (ISO, IEC ва МГС) техник қўмитасига аъзо бўлинди. 2022 йилда 1 минг 400 та экспортёр корхонага халқаро сифат менежмент тизимлари стандартлари (Global G.A.P., Organic, Oeko-Tex, GOTS, SEDEX, ISO ва бошқа халқаро стандартлар) жорий этилди.

Албатта, маҳаллий тадбиркорлар халқаро ва Европа стандартларини олишининг ўз талаблари бор. Яъни талабгор Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Стандартлар институтига ариза билан мурожаат қилади. Жараёнда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, хавфсизлиги ва бошқа қатор мезонлар ўрганилади, унинг ичига баҳолаш, рўйхатдан ўтказиш ишлари ҳам киради. Шу асосда тегишли хулосалар берилади. Авваллари бу ишлар жойларга чиққан ҳолда, бевосита тадбиркорлар билан мулоқотлар асносида ҳал этилган. Ҳозир эса жараённинг барча босқичлари электрон тарзда, онлайн платформалар орқали амалга оширилялти. Шаффофликни таъминлаш ва тадбиркорларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида "e-standart", "e-fond", "e-study" порталлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

## Халқаро ҳисоботдаги етакчилик

Бугунги кунда юртимиз ўндан ортиқ халқаро стандартлаштириш ташкилотига аъзо. Улар билан лицензия шартномалари имзоланган, ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Ўтган йили Европанинг GSP+ дастурига ҳам қўшилдик. Ҳозирги вақтда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари кетмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини халқаро, хусусан, Европа стандартларига мослаштириш орқали экспорт ҳажмини ошириш, ўзбек брендининг дунё бозорида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган.

Европа стандартлаштириш ташкилотлари эълон қилган ҳисоботдаги ўрнимиз эса шу соҳадаги ишларимизнинг хориждаги эътирофи бўлди. Бу Европага экспорт имкониятларимизни янада оширади. Қолаверса, улардан фойдаланишда миллий маҳсулотларимиз сифати, хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичлари ортади.

Ушбу халқаро ҳисобот ҳар йили эълон қилиб борилади. Рўйхат давлатларнинг Европа Иттифоқи стандартларини олиш бўйича статистикаси асосида шакллантирилади. Охирги ҳисоботга кўра, 2022 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатлар жами 3,5 мингга яқин стандарт олган. Шундан салкам 650 тасини Ўзбекистон қабул қилиб, фаол жорий этган.

Мамлакатимиз ушбу кўрсаткич бўйича ҳозирги кунда умумий рўйхатда 9, Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар орасида эса 1-ўринда турибди. Яъни Ўзбекистон Европадан энг кўп стандарт олган ва самарали жорий қилган давлат сифатида эътироф этилди. Қурилиш материаллари 541 та, электротехника соҳасида 46 та, энергетика ва коммунал хизматлар тармоғида 30 та стандарт олинган.

Бу айни шу соҳаларда халқаро стандартларга талаб катта эканини кўрсатади. Аммо бошқа тармоқларда ҳам халқаро стандартлар фаол қўлланиляпти. Маҳаллий маҳсулотларимиз аллақачон Европа бозорларига кириб борди. Энди экспорт кўламини ошириш зарур ва бунинг учун имкониятларимиз кенгайиб боряпти.

Жорий йил 1 январдан бошлаб эса Ўзбекистон яна бир нуфузли тузилма — Халқаро электротехника комиссияси (IEC)га ассоциациялашган аъзо сифатида қабул қилинди. Бу энергетика ва электротехника саноати соҳаларидаги корхоналарга мазкур халқаро стандартларни олиб бериш ва етказишнинг янги имконияти яратилди, дегани.

БУГУННИНГ ГАПИ

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ

## ҳудудларнинг ўсиш нуқталаридан бирига айланмоқда

**Мунира ҲАМРОЕВА, "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси Хатирчи тумани раиси**

**Шу йилдан бошлаб юртимиздаги туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларига кўра 5 тоифага ажратилди. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ҳам шунга қараб белгиланади. Тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациялар ҳам тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Нисбатан ривожланмаган ҳудудлар, яъни 4- ва 5-тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш бўйича кўпроқ енгилликлар яратилиши белгиланган. Бу ушбу йўналишдаги янгича ёндашув ҳисобланади.**

Навоий вилоятининг мен истиқомат қилаётган Хатирчи тумани ҳозирда 4-тоифага киритилган. Бу қониқарли кўрсаткич эмас, албатта. Аммо ҳудудимизни юқори тоифага кўтариш бўйича олдимизга қўйган ўз мақсадларимиз, шунга яраша вазифаларимиз бор. Туманимиз иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, ишсизликни қисқартириш, аёллар бандлигини таъминлаш муҳим, деб ўйлайман. Бу жараёнда, айниқса, тадбиркорлардан янада фаоллик талаб этилади. "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси Хатирчи тумани бўлими вакиллари ҳам олдига қатор вазифалар қўйган. Кўпроқ ёшлар, айниқса, хотин-қизларни касб-ҳунар, тадбиркорликка ўқитиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни қисқартириш, камбағалликни камайтиришга ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилганмиз.

Бир неча йил олдин юртимизда камбағаллик кўрсаткичи илк бор эълон қилиниб, унга қарши янги ва самарали курашиш чоралари бошланганида, натижасига кўпчилик ишонмаганди. Аммо орадан ўтган қисқа вақт белгиланган вазифалар тўғри эканлигини кўрсатди. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушди. Бу даврда 1 миллион юртдошимиз касб-ҳунарга



ўқитилиб, иш бошлашига кўмаклашилган ва камбағалликдан олиб чиқилган.

Бир қарашда, бу катта рақам эмасдек. Бироқ бунинг замирида минглаб оилалар фаровонлиги, турмуш тарзининг яхшиланиши ётганига гувоҳ бўляпмиз. Юртдошларимиз орасида тадбиркорликка, кичик бизнес ташкил этиб, атрофидагиларни ҳам иш билан таъминлашга, бунинг учун давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан кенг фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Қайси ҳудудга бормайлик, янги иш бошлаган тадбиркорларни кўраётганимиз бунинг исботи.

Яъни бу камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларининг энг аввалида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ. Ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яратиш, маҳалла, туманларни тадбиркорликнинг маълум йўналишларига ихтисослаштириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари сифатида танлаб олинди. Юртимизда одамларни аввал тадбиркорликка ўқитиб, сўнг имтиёзли кредит ажратиш, молиявий ва ҳуқуқий ёрдам асосида иш бошлашларига кўмаклашиш бўйича ўзига хос тизим яратилди. Бугун ана шу тизим аниқ механизм сифатида ишламоқда.

## Билимсиз ҳаракат натижаси нолга тенг

Охирги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида хотин-қизларнинг фаоллиги, ҳар соҳада улуши ортиб боряпти. Гендер тенглик мавзуси алоҳида масала, аммо опа-сингилларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун юртимизда кенг шароит яратилаётгани катта рағбат. Ҳар жабҳада хотин-қизлар қўллаб-қувватланяпти, таълимда, меҳнат фаолиятида кўплаб имтиёзлар беriляпти. Шу боис, ҳозир ҳудудларда тадбиркор аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда.

Хатирчи туманида аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳудудимиз асосан чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Оилаларнинг асосий даромади хонадонида чорва молларини боқиш, деҳқончилик қилишдан иборат эди. Ҳозир эса тадбиркорликнинг барча йўналишлари ривожланиб боряпти. Хотин-қизлар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, тикувчилик, пазандачилик, хизмат кўрсатиш соҳаларида даромад олади.

Бу аёлларнинг кўпи иш бошлашдан олдин бепул ўқув курсларида таҳсил олиб, ажратиладиган имтиёзли кредитлар асосида иш бошлаган. Яъни юртимизда жорий этилган бу тизим кўп аёлларга қўл келмоқда. Аввалига имтиёзли кредит олиш мақсадида ўқишга келади. Ўқув жараёнида тадбиркорликни бошлаш учун билим зарурлиги, соҳани яхши ўрганган инсон камроқ хато қилишини тушуниб етади. Айримлар курсларда ўқимасдан туриб, кредит олишни истайди. Энг бошида шундай ҳам қилгандик. Бироқ бу натижа бермади, билимсиз, кўникмасиз иш бошлаган аёлларнинг кўпи банкротликка учраб, кредитини тўлай олмади. Тажрибали устозлар, тадбиркор аёллардан билим олиб, сўнг ишини бошлаётганлар эса кам бўлмаяпти.

Биз тадбиркорликка қизиқадиган ҳар бир хотин-қизни қўллаб-қувватлашни мақсад қилганмиз. Бу борада қатор лойиҳаларимиз бор. Ҳудудларда бизнес тренинглар ташкил этамиз. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара бермоқда.

АҚШ тараққиёт агентлиги (USAID) молиявий кўмагида амалга оширилаётган "Марказий Осиёда хавфсиз миграция" лойиҳаси доирасида "Темир дафтар" рўйхатидаги ишсиз, хорижда ишлаб, қийналиб келган ёки одам савдоси қурбони бўлган аёлларни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиб, ўз фаолиятини бошлашига кўмаклашиб келяпмиз.

Лойиҳа учун юртимизнинг 4 ҳудуди — Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари танлаб олинган. Ишни ўтган йил сентябрь ойида бошлаган эдик, бугунги кунгача вилоят бўйича 300 га яқин хотин-қизни тадбиркорликка ўқитдик. Уларга бизнес режа тузишдан тортиб, давлат рўйхатидан ўтиш тартиби, корхона тузиш, мижозлар билан ишлаш кабилар ўргатилади. Лойиҳа якунида бизнес режалар кўриб чиқилиб, энг яхшиларига 30 миллион сўмгача грант маблағлари ажратилади.

Курсни тамомлаган хотин-қизларга бериладиган сертификатлар эса махсус платформага киритилган. Бу лойиҳа иштирокчиларининг тадбиркорлик қилишларига асос ҳисобланади. Яъни улар ана шу сертификат билан иш бошлаши, эгаллаган билимини ҳаётга татбиқ этишлари мумкин. Шундай аёллардан бири Феруза Абдумаликова давлат рўйхатидан ўтиб, хонадонида тикувчиликни йўлга қўйди. Ҳозирда устоз-шогирд анъанаси асосида ҳудуддаги ишсиз аёлларга тикувчиликни ўргатиб, иш билан таъминлаган. Қўлигул чеварларнинг маҳсулотларига харидорлар талайгина.

Лойиҳанинг асосий мақсади — хотин-қизларга четда эмас, ўзимизда иш бошлашига кўмаклашиш. Ўзим ҳам узоқ йиллар хорижда ишлаб, жуда кўп қийинчиликлар кўрганман. Бу лойиҳада ишлаш, қолаверса, тадбиркорлик фаолиятимдан ташқари, доимий равишда хотин-қизларни соҳага ўқитиш менга завқ беради. Бошқа аёллар ҳам мендек қийналишини истамайман. Бунинг устига, тадбиркорлик йўлини босиб ўтган инсонгина бу борада бошқаларга билим бера олади. Лойиҳамиз фаолларининг ҳар бири ана шундай шахсий тажрибага эга. Улар орасида "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси Навоий вилояти раҳбари Гулчеҳра Бердиева ҳам бор. Бизнинг мақсадимиз бир, жамиятимизда тадбиркор аёллар сони кўпайса, улар ҳам оила, ҳам юрт фаровонлигига ҳисса қўшса, деймиз.

## Аёл мусофир бўлмасин...

Камбағалликнинг илдизи ишсизлик, доимий даромадга эга бўлмасликка бориб тақалади. Оила аъзолари соғлом, меҳнатга лаёқатли бўла туриб, бирор иши, даромад келтирадиган ҳунари бўлмаса, ўша хонадонда хотиржамлик ҳам йўқолади. Бу аёллар қалбидаги ҳаловатни ҳам ўғирлайди. Доимий моддий қийинчиликлар олдида ожиз қолган аёл фарзандини ҳам кўзи қийиб, чет давлатларга кетиб ишлашга мажбур бўлишидан ортиқроқ азоб бўлмаса керак.

Болалигимни эслаганимда, кечалари билан чеварлик қилиб, аёллар либосларини тиккан, куну тун меҳнат қилса-да, дардини ҳеч кимга айтмаган онам кўз олдимда гавдаланади. Мавсум чоғи далада 230 килограммгача пахта терарди. Мақсади фақат ишни тезроқ битириб, пулни олиш, рўзғорга ишлатиш бўлган. Оила қуриб, фарзандли бўлганимдан кейин моддий қийинчиликлар мени ҳам қийнай бошлади. 2012 йилда турмуш ўртоғим билан бирга чет давлатга ишлашга кетдик. Оғир ишларни қилишга мажбур бўлдик. Ҳаммасидан қийини, хаёлим доим фарзандимда эди. Ўзга юртда ҳеч ким эмаслигингизни доим ҳис қилиб турасиз.

Фарзандим мактабга чиқиши олдидан юртга қайтдик. Ўшанда ўғлим мендан узоқлашгани, ҳатто она, демаганидан қаттиқ таъсирландим. Шунда қайтиб хорижга кетмаслик, нима бўлса ҳам ўзимизда иш бошлашга қарор қилдим. Кичик гўзаллик салони очдим. Бир куни ҳокимиятдан келган аёл ишларимни кўриб, имтиёзли кредитлар борлиги ҳақида сўз очиб қолди. Ишимни кенгайтиришнинг йўл-йўриғини ўргатишди. Шундан сўнг чинакамига тадбиркорликни бошлаб юбордим. Ўшанда менга бўлган кичик эътибор ва моддий кўмак ҳаммасини ўзгартириб юборди.



Айни пайтда "Хатирчи асл ипак гиламлари" МЧЖ ҳамда "Дурдона текстиль" ишлаб чиқариш корхоналарига раҳбарлик қиламан. Бирида гилам тайёрланса, бошқасида кийим-кечак тикилади. Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, нон ва нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Ишни кунига 10 та нон ёпишдан бошлаганмиз, ҳозир 1200 тагача маҳсулот тайёрланади. Тумандаги 20 та мактабгача таълим муассасасига шартнома асосида нон етказиб берамиз.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари маърузаларининг бирида намунали тадбиркор сифатида менинг номимни тилга олганларини эшитиб, ҳайрон қолдим. Барча мени табриклади, телевизорда кўрсатишаётганини айтишди. Ўша куни кечгача нонвойхонада ишладим. Хаёлимдан фақат бир нарса — юртимиздаги ҳар бир фуқаро давлатимиз раҳбари эътиборида экан, деган фикр ўтди. Ич-ичимдан қувондим.

Маҳалла, туманимизда ёнимга келиб, мендек тадбиркор бўлишни истаётганини айтадиган хотин-қизлар кўп. Аксарияти ўзимга ўхшаб четда ишлаб келган ёки моддий қийинчиликка учраган. Улардаги қизиқишнинг ўзи дастлабки қадам ва ҳар бирига доим ёрдам беришга тайёрман. Маҳалламиздаги "Аёллар дафтари"да турган хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитаман. Кўпи уй боғча очиб, 60 нафаргача болани тарбиялаяпти. Меҳнати ортидан рўзғорига барака олиб келяпти. Энг муҳими, улар яқинлари бағрида, фаолиятини фарзанд тарбияси билан бирдек олиб бормоқда.

Халқимизда қўлдан берганга қуш тўймас, деган нақл бор. Моддий кўмак, ижтимоий ёрдам яхши фазилатларимиздан. Аммо оиланинг доимий даромади барибир меҳнатга боғлиқ. Камбағалликни қисқартиришнинг асосида ҳам бандлик ётади. Ҳозир мамлакатимизда тадбиркорларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шу ой бошида давлатимиз раҳбари водий вилоятларига ташрифи давомида ҳам буни таъкидлади. Ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган жамиятда имкониятлардан фақат тўғри фойдаланиш ва меҳнат қилиш керак.

Туманимизда 70 та маҳалла бўлса, барчасидаги хотин-қизлар фаоллари билан мунтазам иш олиб борамиз. Ҳар бир хотин-қизга ёрдам беришга интиламиз. Биргина аёл бўлса ҳам "Раҳмат, сизнинг ёрдамингиз билан тадбиркорлигимни бошладим, чет давлатга кетмадим", деса, шу гапнинг ўзи мени бир поғона баландга олиб чиқади.

ИЛМ-ФАН

# ЮҚОРИ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТГА ЭРИШГАНИМИЗ

## давлатимиз қаратган эътибор самарасидир

**Бугунги глобал тенденцияларга кўра, дунё мамлакатларида, жумладан, юртимизда ҳам тиббиётга, хусусан, соҳанинг малакали ходимларини тайёрлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз навбатдаги Мурожаатномасида "Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз", деди. Эътибор берган бўлсангиз, инсоннинг соғломлиги бахтли ва осуда ҳаётининг муҳим омили сифатида кўрилмоқда.**



**Нодир ҲАЙДАРОВ,
Тошкент давлат стоматология институти ректори, профессор**

Бу эса тиббиёт олий таълим муассасалари олдида салмоқли вазифалар турганини англатади. Бугун талабалик мақомига эришган йигит-қизларни ҳар томонлама етук кадрлар этиб тайёрлаш орқали юртдошларимизнинг саломатлигини тиклашга ҳисса қўшишимиз мумкин. Малакали шифокорлар ва тиббиёт олий таълим муассасаларига талаб юқорилигини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари топшириғига биноан ОТМларга қабул квотаси қарийб уч баробар оширилди. Бу билан тиббиёт ходимларига эҳтиёжни қоплаш, тиббий таълим олишга иштиёқманд ёшларга имконият яратиш мақсад қилинган.

> **Тошкент давлат стоматология институти мисолида айтсак, бугун олий таълим муассасамизда беш минг нафардан зиёд талаба касб сирларини ўрганмоқда. Ўқув жараёни мамлакатимиз таълим йўналишлари ва қўшма таълим дастурлари орқали амалга оширилади. Талабаларнинг 500 нафари хорижий давлатлар фуқароларидир.**

Олий таълим муассасаларида талабалар сони қисқа муддатда кескин ошиши, албатта, ўқитиш сифати ва моддий ресурсларни ошириш талабини қўймоқда. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ҳам ОТМларда сонга эътибор берилиб, таълим сифати кейинги ўринга тушганини таъкидлади. Чиндан ҳам бугун илмга чанқоқ йигит-қизлар туфайли талабалар контингенти кескин ошди. Бу эса малакали кадрларни тайёрлайдиган илмий даражали педагоглар тайёрлашга эҳтиёж юқорилигидан далолат беради. Бу йўналишда Вазирлар Маҳкамасининг илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги тегишли қарори катта ёрдам бўлди. Ушбу қарор ижроси юзасидан ўтган йили илмий даражага эга 181 нафар ходимимизга 30 фоиздан 60 фоизгача қўшимча ҳақ тўланди. Натижада Тошкент давлат стоматология институти илмий салоҳияти 70,1 фоизга етди. Бу ҳозир мамлакатимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Олий таълим муассасамиз Жаҳон тиббиёт федерациясининг халқаро аккредитациясига ҳамда таълим сифатини таъминлаш соҳасида халқаро сертификатга эга. Охирги икки йилда институтдаги таълим жараёнига қарийб уч юз нафар хорижлик профессор-ўқитувчи жалб этилган. Чет элдаги ОТМларнинг 744 нафар талабаси академик алмашинув дастурлари доирасида институтда билимини оширди.

Тиббиёт олийгоҳлари талабаларига интеграциялашган назарий ва клиник билим, кўникмаларни сингдириш, юқори тиббий технологияларни ўзлаштиришда ёрдам бериш ҳамда ижтимоий мослашув қобилиятини шакллантириш орқали чуқур ихтисослашув, интеллектуал ва шахсий имкониятларни рўёбга чиқариш ва етук тиббиёт ходимини тайёрлаш мумкин. Бу борада олий таълимгача бўлган ўқув ишларининг тизимли ташкил этилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Чунончи, Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги академик лицей битирувчиларининг олийгоҳларга кириш кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб, жорий ўқув йилида 86 фоизни ташкил этди. Президентимизнинг 2021 йил 31 августдаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, ҳамкорлик доирасида Тошкент давлат стоматология институтига битта академик лицей ва Абу Али ибн Сино номидаги тўртта (Чилонзор, Чортоқ, Дўстлик ва Каттақўрғон) жамоат саломатлиги техникуми бириктирилган. Айни пайтда улар институт билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Тошкент давлат стоматология институти ҳам молиявий мустақил. Мана шу имкониятдан фойдаланиб, талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб шароит яратиш учун институтда 400 ўринли янги турар жой барпо этилди.

Бугун олий таълим муассасалари олдида жаҳон рейтингига интилиб, халқаро талабларга мос кадрлар етиштириш, рақобатбардош даражага чиқиш вазифаси турибди. Бу борада жамоамиз зиммасида ҳам катта масъулият бор. Тиббий олий таълимни такомиллаштириш, қамровни кенгайтириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш, интеллектуал қобилиятини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш шулар жумласидан.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

**Оятбек Олимжонов 4-синфдалигида у ўқиётган мактабда ҳарбийлар билан учрашув ўтказилганди. Учрашувда офицерларнинг салоҳияти, жанговар шижоатини кўриб, келажакда уларга ўхшашни ният қилди ва бу орзу уни Нукусдаги "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейига етаклади.**




# ҲАМИША СЕН ХИЗМАТ ЭТГИЛ ХАЛҚ УЧУН

— Ҳарбий бўлиш болалик орзум эди. Келажакда миллий гвардия сафида хизмат қилишни мақсад қилганман, — дейди Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қоғай қишлоғидан Қорақалпоғистонга ўқишга келган Оятбек. — Ўзим тарих фанига қизиқаман. Тарих бўйича фан олимпиадасининг вилоят босқичида 3-ўринни олганман. Ота-онам менинг ҳарбий бўлиш истагимни қўллаб-қувватлади ва уларнинг дуоси билан Нукус шаҳрига йўл олдим.

Бугун Оятбек сингари 200 нафар ўғлон Нукус "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейида ижтимоий-гуманитар фанлар ва аниқ фанлар йўналишлари бўйича таълим-тарбия олмоқда. Ҳарбий академик лицейдаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу масканда бўлдик.

Нукус "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейи Президентимизнинг 2019 йил 28 июндаги "Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2020-2021 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлаган.

— Лицейда асосий эътибор ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун зарур бўлган юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, дастлабки касбий билим ва кўникмаларга эга, ақлан ва жисмонан етук шахслар этиб тарбиялашга қаратилган, — дейди лицей директори, юридик фанлар номзоди Махсет Утепбергенов. — Лицейимизга умумтаълим муассасаларининг 9-синфини тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатномага эга бўлган, соғлиғи жиҳатидан ўқишга яроқли деб топилган, дастлабки ҳарбий-касбий танлов ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган номзодлар қабул қилинади. Биз уларни олий ҳарбий, ихтисослаштирилган ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёрлаймиз.

Ҳарбий-академик лицейда бугун Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ўқувчилар билим олмоқда. Ўқув режасига асосан йўналишлар бўйича тарих, инглиз тили, математика ва физика фанлари чуқурлаштирилган фанлар сифатида ўқитилади.

— Академик лицейда ўқув жараёни тўлиқ казарма шаклида бўлиб, ўқувчилар ётоқхонаси 200 ўринга мўлжалланган. Таълим олувчилар лицейда истиқомат қилади. Бунинг учун ўқувчиларга барча имкониятлар яратиб берилган, — дейди курс командири, капитан Айназар Бекпўлатов. — Ўқувчилар кийим билан тўлиқ давлат томонидан таъминланади. Бу ерда ўсмирлар нафақат ўқишни, ҳаётда зарур бўлган бошқа кўникмаларни ҳам ўрганади. Хуллас, ҳарбийликнинг биринчи босқичи шу ерда бошланади.



Лицейга қабул қилинган ўқувчиларнинг мукаммал таълим-тарбия олишлари учун ўқув, лаборатория ва компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва руҳий-жанговар тайёргарлик майдончаси, хизмат итларини ўргатиш ҳамда кичик футбол майдонлари бор.

— Лицейимизни ўқув адабиётлари ва дарсликлар билан таъминлаш бўйича бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилиб, ахборот-ресурс марказимиз фонди сиёсий, бадиий адабиётлар ва дарсликлар билан бойитиб борилмоқда, — дейди ахборот-ресурс маркази мудири Дилором Очилова. — Бугунги кунда марказимиз фондида 12117 та китоб мавжуд. Шунингдек, 1650 та электрон китобимиз ҳам бор. Ўқувчилар 25 та компьютерда интернет тармоғидан фойдаланади. Марказ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кутубхонаси билан масофадан боғланган. Китобхонларимиз сони эса кун сайин кўпайиб бормоқда.

Таълим муассасасидаги педагог ходимларнинг илмий салоҳияти юқори. Бугун бу ерда 3 нафар фан доктори (DSc) ҳамда 1 нафар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Педагог ходимларнинг 19 нафари бош ўқитувчи, 4 нафари етакчи ҳамда 5 нафари катта ўқитувчи ҳисобланади.

— Мен ушбу ўқув даргоҳига энг юқори балл билан биринчи ўринда қабул қилиндим, — дейди биз билан суҳбатда Қораўзак тумани "Аллаяр Досназаров" овул фуқаролар йиғинидан келиб ўқиётган Атабек Сейтмуратов. — Орзум ҳарбий бўлиш, Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш. Ота-онам менинг бу орзумни қўллаб-қувватлади. Яқинда физика фани олимпиадасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгалладим. Лицейимизда ҳарбий соҳа билан бирга ижтимоий фанлар ҳам чуқур ўргатилади. Аслида, ҳарбий офицер бўлиш учун кўплаб соҳани яхши билиш талаб этилади.

"Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейларининг яна бир имтиёзли жиҳати, лицей битирувчилари ҳайдовчиликни ўрганиб, B,C тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлади.

— Бу ерда ўқувчилар дарсдан сўнг расм чизиш, мусиқа ва бошқа турли қизиқарли тўгаракларда шуғулланади. Шунингдек, компьютер синфи, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхонада дарс тайёрлайди, спорт залларимизда ўзлари хоҳлаган спорт турлари билан машғул бўлади. Футбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат, бокс, самбо, дзюдо, миллий кураш тўгараклари мунтазам фаолият юритмоқда, — дейди лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Аралбай Отегенов. — Ўқув муассасамизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Жумладан, ўқувчиларимизнинг 9 нафари хорижий тил билиш бўйича халқаро, 1 нафари миллий сертификатга эга. Шунингдек, 100 нафар ўқувчимизнинг IT йўналиши бўйича сертификати бор. Ўтган йилнинг октябрь ойида ҳарбий академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари Россия Федерациясининг Нижний Тагиль шаҳрида ташкил этилган рус тилини ўрганаётган чет эллик талабалар ва мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Мафтункор кўзлар: рус тили Россиянинг меъморий диққатга сазовор жойларини тасвирлаш воситаси" танловининг якуний босқичида юқори натижаларни қайд этди. Лицейимизнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ольга Утемуратова 1-ўринни, ўқувчимиз Жасурбек Умаров 2-ўринни эгаллади. Яна бир ўқувчимиз Бердах Узакбергенов танлов лауреати бўлди.

Айни кунларда лицейда таълим-тарбия жараёнини янада самарали ташкил этиш, тажриба алмашиш мақсадида Фарғона, Тошкент ва Шаҳрисабз "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейлари билан яқиндан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

— Муассасамизда таҳсил олаётган ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида, шунингдек, аждодларимизга муносиб издош қилиб тарбиялаш мақсадида "Амир Темур" ва "Жалолиддин Мангуберди" хоналари ҳам ташкил этилган, — дейди директорнинг биринчи ўринбосари, подполковник Шерзод Ибрагимов. — Бу хоналарда икки буюк саркарда ҳақидаги маълумотлар, суратлар, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, газеталарда эълон қилинган мақолалар ҳам ўрин олган.

"Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицей битирувчиларига юқорида тилга олинган қарор асосида имтиёз белгиланган бўлиб, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда битирувчининг тест синовларида тўплаган балининг 30 фоизи, фуқаролик олий таълим муассасаларига ўқишга киришда битирувчининг тест синовларида тўплаган балининг 15 фоизи миқдорида имтиёз берилади.



2021-2022 ўқув йилида ҳарбий-академик лицейни жами 100 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 67 нафари олий таълим даргоҳларига ўқишга кирди. Демак, дастлабки натижа ёмон эмас. Биринчи қалдирғочлар мақсадлари сари олдинга дадил қадам ташлади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳарбий соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослашган махсус мактабларнинг ташкил этилиши бугун ўз самарасини бера бошлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "Ватанпарвар, ўзлигини англаган авлодни камол топтириш маънавий-маърифий ислоҳотларимизнинг бош мақсадидир".

Буюк қорақалпоқ шоири Бердақ бундай йигитлар ҳақида ёзиб:

*Йигит бўлсанг арслон*
*кабы туғилган,*
*Ҳамиша сен хизмат этгил*
*халқ учун,*
*Йигит бўлсанг арслон*
*кабы туғилган,*
*Ўзим демай, ғамхўрлик қил*
*халқ учун,*

дейди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар ўзлари учун яратиб берилган шарт-шароитлардан жуда мамнун. Улар барча имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳарбий касб сирларини теран ўрганиб, Ватан ва халқ учун садоқат билан хизмат қилишни ўзларининг фарзандлик, йигитлик бурчлари деб билмоқда.



**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

МАДАНИЙ МЕРОС






**Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

## ёхуд Лувр музейида Ўзбекистон ва Франция давлат раҳбарлари очиб берган кўргазмада халқимизнинг ноёб тарихий мероси намойиш этилмоқда

**Маълумотларга кўра, дунёда 100 минг атрофида музей мавжуд. Юртимиздаги музейлар сони эса 2022 йилда 127 тани ташкил этди. Улар орасида Ўзбекистон давлат санъат музейининг ўзига хос ўрни бор. Ўрта Осиё бўйича санъат йўналишидаги энг йирик бу музейдан аждодларимиз турмуш тарзидан сўзловчи қадимий буюмлар — заргарлик, гиламдўзлик, каштадўзлик, кулолик, кандакорлик ҳамда меъморлик намуналари жой олган.**

Ўзбекистон тарихи ва санъати билан боғлиқ археологик ашёлар, рангтасвир, халқ амалий санъати асарлари кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда. Шунингдек, бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки Рус ва Ғарбий Европа санъати, Шарқ мамлакатлари санъати намуналари ҳам сақланмоқда. Айни пайтда музей фондида 100 530 та ашё ва коллекция бўлиб, улар антик давр санъатидан бошлаб, даврлар, давлатлар ва тўпламларга ажратилган ҳолда 52 та намойиш залига жойлаштирилган. 97 642 та ашё ва коллекция захирахона, архив ва кутубхона фондларида сақланади. Уларнинг барчасини чинакам санъат даражасидаги асарлар дейиш мумкин. Чунки мазкур музейга олинадиган ҳар қандай буюм нафақат даврий жиҳатдан, балки ўз даврининг таниқли уста, ҳунарманд ва рассомлари томонидан юксак санъат асари даражасида яратилганига катта эътибор қаратилади. Санъат дурдоналари тарихимизни, қадриятларимизни, аждодларимиз маданияти қанчалик юқори даражада бўлганини тараннум эта олишига эътибор берилади.

Дарвоқе, музей кутубхонаси фонди тарихий, архитектура ва санъат соҳаларини ўзида мужассам этган бир неча тилдаги 21 779 дона китобга эга. Кутубхонанинг қадимий қўлёзмалар фондидаги манбалар музей илмий ходимлари ва бошқа муассасалардан олимларни жалб этган ҳолда чуқур ўрганилмоқда.

Биз бугун экспонатларни ўқувчи хаёлида гавдалантиришдан чекинган ҳолда, асосий эътиборни музей билан боғлиқ янгиланишларга қаратишни жоиз топдик. Зеро, техника тараққий этган бугунги кунда музейга виртуал саёҳат қилиш ёки унинг QR-коди, мобиль иловалар ёрдамида экспонатлар билан танишиш имконияти мавжуд.

### Экспонатлар музей ходимларининг фарзандларидек

Музейлардаги осори атиқалар неча йиллардан буён қандай сақланиб келаётгани, ҳар битта экспонат музей ходимларининг фарзандидек бўлиб қолганини аксариятимиз билавермаймиз.

Ўзбекистон давлат санъат музейида экспонатлар тақдирига жавобгар шахслар уларни қуёш нури, чанг, айниқса, елвизакдан кўз қорачиғидек асрашади. Коллекцияни доимий назоратда ушлаб туриш, ҳар кунги ҳолатини аниқлаш, чангдан тозалаш, турли ҳашаротларга қарши муолажалар ўтказиш ўз касбига фидойи ходимлардан юксак малака ва кўникма ҳам талаб этади. Зеро, давлатимиз, халқимиз бойлиги ҳисобланган, тарихимиздан сўзловчи ашё ва коллекцияларни бус-бутун ҳолатда сақлаш, дунёга тарғиб этиш борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар уларни келажак авлодга етказишда муҳим роль ўйнайди. Бу, айниқса, халқаро кўргазмаларда яққол намоён бўлади.

### Халқаро ҳамкорлар, машҳур таъмиршунослар эътирофи куч беради

Янги Ўзбекистон тарихини яратар эканмиз, Қозоғистон, Россия, Германия, Италия, Саудия Арабистони, Франция ва бошқа давлатлар музейлари билан алоқалар янада ривожланди. Буларнинг бари музейнинг муваффақияти, албатта, кўргазмалар музей тарихида алоҳида из қолдириши шубҳасиз. Айниқса, Франциянинг Лувр музейида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма юртимиз музейлари қатори Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳам жаҳоний миқёсда эътироф этилишига хизмат қилмоқда.

*2021 йилда дунё бўйича энг машҳур музейлар рейтингида 9,6 миллион ташриф буюрувчиси билан 1-ўринни банд этган Лувр музейидаги нуфузли кўргазмада Ўзбекистон давлат санъат музейининг иштироки ҳақида музей директори Васила Файзиевадан сўрадик:*

— Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан музей коллекцияларининг халқаро кўргазмаларда намойиш этилиши юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Франциядаги **“Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида”** кўргазмасида Ўзбекистоннинг эрамиздан аввалги V асрдан то темурийлар давригача бўлган тарихини қамраб олган улкан археологик экспозицияда жами 138 та ноёб осори атиқани томоша қилиш мумкин. Кўргазмага 4 йил давомида пухта тайёргарлик кўрилди. Юртимиз музейларида сақланаётган 70 дан зиёд археологик ашё устида француз таъмиршунослари ўзбекистонлик ҳамкасблари кўмагида таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб борди. Музейимизнинг Луврга олиб бориладиган 12 та археологик ашёсидан 11 таси чуқур илмий таҳлил этилган ҳолда таъмирланди. Бунда экспонатларнинг хавфсизлиги ҳисобга олиниб, танланган археологик ашёлар намойиш залидан реставрация хонасига кўчирилди, асарлар фотосуратга олинди (реставрациягача ва реставрациядан кейин), уларнинг даврий чанглари тозаланди. Ашё ва коллекциялар ноёб археологик тўпламнинг бирламчи кўринишини тиклаш жараёнида мармар кукуни тупроқ қоришмаларига аралаштирилган табиий бўёқлардан фойдаланилди. Ўзбекистондан кўргазмада қатнашган барча ашё ва коллекциялар Лувр музейининг Ислом бўлимидаги Rishele залида намойиш этилди. Улар ноёб Варахша деворий сурати, Халчаён коллекциясига тегишли экспонатлар, Қува шаҳридаги ибодатхона харобаларидан топилган будда ҳайкаллари ва нумизматика ашёларидир.

Милоддан аввалги I асрга тегишли бўлган, Сурхондарё вилоятининг Халчаён шаҳарчасидан топилган шаҳзода ҳайкали энг ноёб археологик ашёларимиздан. Ушбу ҳайкал лойдан ясалган бўлиб, табиий бўёқлар билан бўялган. Бир неча йил давомида экспозициямизда намойиш этиб келинган мазкур экспонат етук мутахассислар таъмирлаганидан сўнг гўё қайта тирилгандек бўлди. Бу лойиҳа илмий жамоамиз ва таъмиршуносларимизга халқаро тажриба алмашиш имкониятини берди. Ёш таъмиршунос илмий ходимларимиз катта қизиқиш билан лойиҳада иштирок этди. Қувонарли томони, француз таъмиршунослари ходимларимиз малакасига, таъмиршунослик фанини чуқур ўзлаштирганига юқори баҳо берди. Ашё ва коллекцияларни сақловчи масъул ходимларимиз ҳар бир экспонатни таъмирлашдан Лувр музейида экспозицияга қўйилгунга қадар иштирок этди.

Франциялик мутахассислар ашё ва коллекцияларимизни асраб-авайлагани ва ўз экспонатлари каби кўрганидан жуда хурсанд бўлдик.

Январь ойида етук ўзбек олимлари кўргазма юзасидан ташкил этилган илмий конференцияда иштирок этди. Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимовнинг айтишича, Луврдаги Ўзбекистон экспозициясини томоша қилиш учун навбатда турган томошабинлар ҳамон кўп.



Париж шаҳрининг Араб дунёси институти намойиш залларида бўлиб ўтаётган **“Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари”** кўргазмасига Ўзбекистон давлат санъат музейидан 57 та ноёб амалий санъат экспонати тақдим этилган. Намойиш этилаётган заргарлик, зардўзлик санъати, каштадўзлик ва рангтасвир асарлари ташриф буюрувчиларнинг юқори қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

Яқинда Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ташкил этилган **“Ислом санъати”** биеннаlesида ҳам ислом маданиятини тарғиб этувчи 6 та бой коллекциямиз билан қатнашдик.

Бир сўз билан айтганда, айнан мана шундай халқаро алоқалар мустаҳкамланиши билан музейлар янги босқичга кўтарилади. Ҳеч шубҳасиз, музейларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига чиққани ва бундай кўргазмалар буюк маданиятимиз ва санъатимизни дунёга танитиш, жаҳон тарихидан муносиб ўрин эгаллашимизга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро ҳамкорликлар мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини оширишга жуда катта ҳисса қўшади.

### Музей илмий-тадқиқот маркази ҳамдир

Музейлар чинакам хазина, аждодларимиз ҳаёти, маданий ёдгорликларимизни намойиш қиладиган манзил, маскан экан, уларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш айни муддао бўлади. Афсуски, мустақиллик йилларида музейларда илмий тадқиқот ишлари қилинмаган.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейида ихтисослашган илмий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этилди.

*Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори Бахтиёр Ҳасанов музейларда иш бошлаган илмий кенгашларнинг аҳамияти ҳақида бундай деди:*

— Илгари музейшунослар тайёрлаб берадиган институт ҳам йўқ эди. Энди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида музейшунослар тайёрланмоқда. Иккита отахон музейимизда ташкил этилган илмий кенгашларда музейшуносликни битирган ёшларнинг аспирантурага кириши ва илмий тадқиқот олиб бориши учун шароит яратилди. Соҳанинг бугунги долзарб мавзуларида изланишлар қилаётган ёшларимиз талайгина.

Хусусан, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун Жасурбек Аҳмадбеков томонидан ёзилган “Фарғона водийсидаги маданий ёдгорликларни музейлаштириш” мавзусидаги диссертациясини ҳимоядан ўтказдик. Гулираъно Орифжонова “Ўзбекистоннинг XIX-XX аср бошларига оид этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишнинг тарихий-маданий жиҳатлари” мавзусидаги ҳимоя ишини ёқлади. Яқинда қорақалпоғистонлик Сания Байбасенова “Маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари муаммолари” бўйича илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Камола Нишонова, Дилафрўз Қурбонова каби изланувчан, иқтидорли ёшларимиз илмий ишлар устида изланяпти. Етук олимлар, профессорлар қатнашадиган илмий кенгашларимизда ҳатто докторлик диссертациялари ҳам ёқланяпти.

Фалсафа докторлиги даражаси олганларнинг ойлик маоши 2 баробар, докторлик даражасини олган ходимларники 2,5 баробар ошди. Илмий кенгашлар юртимизга илмий жиҳатдан қуролланган, илмий ишлар қила оладиган, ўз мақолалари билан музейларимизни дунёга танита оладиган ходимларни етказиб беради.

Яна бир жиҳати, музейларимизда илмий кенгашлар ташкил қилингани Марказий Осиёда ҳам катта акс садо берди. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейида қозоғистонлик тадқиқотчи диссертация ёқлади. “Музей иши тарихи” ҳимоя ишида у 1831 йилдан 1922 йилгача бўлган даврни таққослаб берди. Ҳимояда кўзга кўринган кўплаб музейшуносларимиз қатнашди. Бу илмий кенгашларимизнинг Осиёдаги нуфузини оширишга хизмат қилди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида музейшуносликка катта эътибор берилиши ҳақида гапирди. Бу бизни илмий жараёнларни кучайтириш, музейларимизни Европа мамлакатлари музейларидек ривожлантиришга ундайди. Зеро, музейлар ҳам қотиб қолиши керак эмас. Айниқса, бугуннинг музейлари инновацион техника воситалари билан қуролланган, коммуникацион жиҳатдан ҳам замон талабига мос бўлиши зарур. Шу маънода, Ўзбекистон давлат санъат музейининг дунёнинг ривожланган давлатлари музейларидан кам бўлмаган янги биноси барпо этилаётгани бежиз эмас.

### Замонавий дизайндаги музей Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади

Ўзбекистон давлат санъат музейи кўргазмалар залидан жой олган экспонатлар музейдаги мавжуд коллекциянинг 3 фоизигина эканини кўпчилик билмайди. Экспонатлар сақланадиган захирахона билан кўргазмалар залининг иқлими сабаб ҳали бирор марта намойиш қилинмаган асарлар борлиги ҳақида давлатимиз раҳбари ҳам айтиб ўтган.

Васила Файзиеванинг айтишича, дунёга машҳур музейларда ҳам коллекцияларни елвизакдан, қуёш нуридан асраш муаммоси бор. Мисол учун, Россиядаги Третьяков галереясининг эндиликда собиқ директори З.Трегулова ўзаро мулоқот чоғида уларда ҳам ҳаво ҳароратини, экспонатлар учун зарур мўътадил об-ҳавони таъминлаш айрим қийинчиликларни келтириб чиқараётганини айтганди.

Ўзбекистон давлат санъат музейининг 1974 йилда қурилган биносининг коммуникация тизими, экспонатларни сақлаш шароити бугунги замон талабига жавоб бермаслиги ва музейда сақланаётган ашё ва коллекцияларнинг сони ортганини инобатга олган ҳолда, дунёга машҳур архитектор Тадао Андо лойиҳаси асосида янги бино қурилади. Японияда Президентимизга музейнинг дизайн концепцияси лойиҳаси кўрсатилган. Тақдимотда Тадао Андо “Мен ушбу музейнинг концепцияси айлана ва квадратни ўзида мужассам этган ҳамда бирлаштирган бўлишини истардим. Мен ўзида тарих ва анъанавий қадриятларнинг асосий элементларини мужассам этган замонавий музей яратмоқчиман”, деди.

Санъат музейининг янги биноси Тошкент шаҳридаги Абулқосим мадрасаси, “Халқлар дўстлиги” санъат саройи ва Алишер Навоий ҳайкали оралиғида қад ростлайди. Лойиҳага кўра, музей катта экспозиция майдони, музей коллекцияларини сақлаш хоналари, кутубхона, маъруза хонаси, кафе ҳамда том қисмида терраса ва паркни ўз ичига олади.

Энг муҳими, янги бино захирахонаси ва намойишлар майдонидаги ҳарорат ва ёруғлик экспонатларга зарур ҳароратни етказа оладиган даражада лойиҳалаштирилган. Зеро, экспонатлар учун турли ҳароратдаги об-ҳаво зарур бўлади, халқ амалий санъати намуналари ва рангтасвир асарлари учун етарли даражада иқлим шароитини яратар эканмиз, бу тадбирлар уларнинг умрини узайтиришга хизмат қилади, деб айта оламиз. Кўркам бинода халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш ва хорижий меҳмонларни юқори даражада кутиб олиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлади.

Бирор марта намойиш этилмаган асарлар ҳақида гап кетганда, собиқ князь Романов қароргоҳи негизида музей филиалини ташкил этиш кўзда тутилганини айтмоқ жоиз. Ўзбекистон давлат санъат музейи илк фаолиятини бошлаган бу бино музей балансига қайтариб берилди. Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ходимлари таклиф этилган мутахассислар билан биргаликда музей фондида сақланаётган, рус ва Ғарбий Европа коллекциясига тегишли экспонатларни илмий жиҳатдан ўрганмоқда. Таъмирлаш-тиклаш ишлари якунлангач, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан юксак малакали мутахассисларни таклиф этган ҳолда экспозиция яратилади. Бундан ташқари, ушбу бино тўлиқ реконструкция



қилиняпти. Дунёнинг етук санъатшунос, музейшунослари собиқ Романов саройида Ўзбекистон давлат санъат музейининг Рус ва Ғарбий Европа филиали сифатида очилишига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

### Музей — тарбия, маданият ўчоғи

Тунов куни ишга кетаётиб, метрода бир танишимни учратиб қолдим. Атрофида 5-6 чоғли бола. Ҳаммаси ўзингизникими, дедим ҳазиллашиб. Танишимнинг “қўшни болаларни ҳам олиб, музейга кетяпмиз, бугун барча музейлар бепул-ку”, деган жавобидан хурсанд бўлиб кетдим. Ахир ҳар бир бола эртага лоақал бир дўстини болаларча таассуротлари, ҳайратлари билан музейга қизиқтира олса, ўша дўсти ҳам ота-онасидан музейга олиб боришларини сўрайди.

Ҳар ойнинг биринчи якшанбасида музейларда очиқ эшиклар куни, яъни ҳамма учун кириш бепул, ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлганлар ва улар билан бирга келганлар учун бепул кириш тартиби жорий қилинган бир пайтда ҳам музейларга бормасликни қандай тушуниш мумкин? Зеро, музейларга кириш у қадар арзон эмас. Ўзингиз томоша қилмоқчи бўлсангиз 25 минг сўм, ўзбек, рус тилида экскурсовод олсангиз 50 минг, инглиз тилига олсангиз 100 мингга айланади. Айни жиҳатлар ҳам ҳисобга олиниб, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турганлар ва ногирон фуқаролар учун музейларга кириш бепул бўлиши Президентимизнинг “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб қўйилган. Ўқувчи, талаба-ёшларни музейларга жалб этиш бўйича режали ишлар амалга оширилаётгани айни муддао.

Негаки, музейлар том маънода маданият, тарбия ўчоғи. Аждодларимизнинг санъат музейимизда сақланаётган туфдонлари, ўсмадонлари уларнинг нечоғлиқ юксак маданиятга эга бўлганини кўрсатиб турибди. Қаранг, улар тўғри келган жойга эмас, махсус туфдонларга туфлаган. Ўсмани тўғри келган идишга эмас, ўсмадонларга солишган, ҳатто ўсмачўп ўрни ҳам ажратилган. Мана шуларни кўрган ёш авлод, албатта, аждодларига ҳавас қилади, улар билан янада фахрланади.

Бугун музейларга эътибор, яратилаётган шароит бошқача. Айнан санъат даражасидаги асарларни сотиб олиш учун энди йилига 2 миллиард сўм маблағ ажратиляпти. Музейлар тарихида бу ҳеч қачон бўлмаган. “Миллий маданий меросга менинг ҳиссам” лойиҳаси орқали ҳам кўплаб асарлар музейларимизда олиб қолиняпти. Рассомларда ҳам сара асарларини ўзимизнинг музейларга бериш иштиёқи кучайди. Айни шу асарлари келажак авлодларга фахр беришини улар чуқур ҳис қила бошлади. Буларнинг бари биз ишонч билан пойдеворини қўя бошлаганимиз Учинчи Ренессанснинг ёрқин учқунларидир.



**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246.
14119 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:20 Топширилди — 03:05